



ТЎРА СУЛАЙМОН

СИРДАРЁ ҚЎШИҚЛАРИ

Шеърлар

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг
„ЁШ ГВАРДИЯ“ нашриёти, Тошкент — 1974

МУНДАРИЖА

ҚАЙДАСАН?

Болажон	3
Баҳор, соғинтириб келишинг яхши	5
Бўлмас	6
Бир сизга сиғингайман	7
Арча	8
Созчи қўшиғи	9
Сенингсиз	10
Қайдасан?	10
Устина	11
Тоғдан ошмоқликка	13
Илтижо қилган билан	13

БЎСТОН КЕЗАМАН

Илтижо	19
Гулдаста	21
Сир бўйида бир сулув	22
Гулкўчат	24
Ёнимда ёрим билан	25
Ёруғ юлдуздан салом	25
Тоғ қизлари	30
Қопқон	34
ТЕРМАЛАР	36

ҚАЙДАСАН?..



Болажон

Кўнгилга ёвуқсан кўз билан қошдай,
Губори йўқ тонгда чиққан қуёшдай.
Гўзалликка номинг гўё уйқошдай,
Жону-жаҳонимиз сенга тутошдай,
Ҳавасим келади сенга, болажон.

Теран, тиниқликда чашмасан, чашма,
Бу олам қаршингда қилар карашма,
Бундан сен қувонма, ҳовлиқма, шошма,
Ҳали манзил йироқ, йўлдан адашма,
Ҳавасим келади сенга, болажон.

Уйнаб, елмоқликдан ўзга ғаминг йўқ,
Бир нафас ҳасратда ўтган даминг йўқ,

Кимсада ғаразинг, ўч, аламинг йўқ,
Билгимча дунёда сира каминг йўқ,
Ҳавасим келади сенга, болажон.

Уйлайсан йил бўйи мудом баҳор деб,
Баҳорсиз бу дунё безътибор деб.
Ҳамманинг бир хилда ташвиши бор деб,
Барчани ўзингдай пок, беғубор деб...
Ҳавасим келади сенга, болажон.

- Оламда сен билан она шодлиги,
Бахти барҳақлиги, умрбодлиги.
Бегард, бедардлинг — саодатлиги.
Ўксиб, ўкинганинг — дил барбодлиги.
Ҳавасим келади сенга, болажон.

Сенинг кўзинг билан кўпни кўролсам,
Сенинг сўзинг билан дилга киролсам.
Босган изинг бўлиб гулга ўролсам,
Сенинг ўзинг бўлиб, қайта яралсам...
Ҳавасим келади сенга, болажон.

Баҳор, соғинтириб келишинг яхши

(Т а з м и н)

Усма қўйди кўклам уфқ қошига.
Сел урилди дарё, ўзан тошига.
Сўфитўрғай қўнди уват бошига
Кўп ҳозирлик кўрганда йил Бошига
Баҳор, соғинтириб келишинг яхши.

Деҳқон кўкламини —ажиб дамани,
Далага йўл олган қут қадамани,
Наврўзи оламнинг зап карамани.
Қирларда гул сайли — эл байрамини
Баҳорнинг соғиниб келиши яхши.

Яйловларда майса қимтир қўй-қўзи.
Дардга шифо човкор бия қимизи.
Ерга зарҳал ҳар гиёҳнинг илдизи,
Қопланмасдан гулга буткул қир юзи
Баҳор, соғинтириб келишинг яхши.

Чечаклар қоплади анҳор бўйини,
Дарёда бошланди суқсур ўйини.
Яйловга ҳайдади чорва қўйини
Чорвадор, деҳқоннинг меҳнат тўйини.
Баҳорнинг соғиниб келиши яхши.

Сирли туюлади мажнунтол таги,
Жилға, сой бўйлари, тоғлар этаги,

Тўқсонга туташган чолнинг эртаги,
Энди ниш урганда бодом куртаги
Баҳор, соғинтириб келишинг яхши.

Сира кетмас бўлиб келган йироққа,
Гўзаллик ола кел бўстонга, боққа.
Ой бўлиб, кун бўлиб киргин қучоққа,
Камол ҳаққа бўлсин, завол ноҳаққа,
Ишқингда булбулни қўйма қийноққа,
Гули-гулзор бўлиб келишинг яхши.

Яқин-йироқлардан келар най саси.
Пахтакор ёшларнинг шўх таронаси,
Қўшиқсиз ҳаётнинг йўқдир маъноси,
Товланмай товуслар, тоғлар сўнаси
Баҳор, соғинтириб келишинг яхши.

Қоя ўрларда қор, дилларда баҳор,
Турна пастлаб ўтар-элларда баҳор,
Ғоз қўниб, ғоз учар-кўлларда баҳор,
Юлдуз рангга кирди-чўлларда баҳор
Баҳор, қувонтириб келишинг яхши.

Бўлмас

Той суринмай от бўлмас,
Тулпорда иллат бўлмас.
Тўлан тунда елса ҳам,
Кўзи шамғалат бўлмас.

Марднинг иши — майдонда,
Номард юрар армонда.

Ор не қилсин ёмонда,
Нопокда уят бўлмас.

Эр боласи ёт бўлмас,
Ётларга элат бўлмас,
Каминангиз айтади:
Қўшиқсиз ҳаёт бўлмас.

Бир сизга сиғингайман

Насиб қилса азонда йўл оламан йироққа
Дашти Карбало недир, ундан ҳам нарироққа.
Кулбайи хонамизда қўни-қўшни жам букун,
Уй ичи, ҳовли сатҳи хиёл саранжом букун.
Урта тўла ноз-неъмат, дош қозон ишга тушган.
Кўпни кутиш осонмас, хоним ташвишга тушган.

Авжида эди чандон чолларнинг ҳангомаси,
Каминани мақтарди қайси бир «алломаси»:
— Мадинани кўрмоқлик ҳар кимга насиб қилмас,
Фақат суйган қулини бундан бенасиб қилмас...

Онасан, меҳрибонсан
Деганича бормасми?
Сен бир баҳри уммонсан
Деганича бормасми?
Биз-юлдуз, сен-осмонсан
Деганича бормасми?
Ҳам жонсан, ҳам жаҳонсан
Деганича бормасми?

Қўл очиб дуо қилар мушфиқ онаизорим,
Бошимга кулфат тушган кунларда ғамгузорим:
— Энди бормаган еринг Мисрмиди, жон болам,
Узоқ юриб кўз ёшим қилмагил маржон, болам.
Ўтганлардан қолган гап, кўрган қолар дунёни...
Зиёрат қилмай қайтма Маккайи Мадинани.

Мен дедим: Қиблам ҳам сиз, Маккам ҳам Мадинам Сиз,
Менинг учун муборак ўн саккиз минг олам Сиз.
Бу дунёда қиёси, тенги кам муҳтарамсиз.
Бир сизга сиғингайман, Сиз ахир паноҳимсиз.

Сизнинг сийна сутингиз ато қилмиш жон менга,
Жон билан қатра-қатра қон менга, дармон менга.
Сизнингсиз қайда эди сўз бирла забон менга.
Бир парча этдан одам қилган саждагоҳимсиз.

Бир умр армон менга, кўзингизда нам кўрсам,
Кўксингизда дард кўрсам, ҳасрат ё алам кўрсам.
Ризқингиз бутун кўрмай ярим кўрсам, кам кўрсам,
Сиз менинг дуоғўйим, менинг такагоҳимсиз.

Сизсиз равшан кун қайда, сизсиз дилда имон йўқ,
Сизсиз ойдин тун қайда, сизсиз зонг йўқ, замон йўқ.
Сизсиз тоғ йўқ, таянч йўқ, сизсиз давр-даврон йўқ.
Сизсиз кун йўқ, қувонч йўқ, Сиз зиёратгоҳимсиз.

Арча

Шънингга бир неча сўз айтар бўлдик,
Сўзни шеърга улаб узайтар бўлдик.

Созчини ўрнидан қўзғатар бўлдик,
Сен учун гурунгда сўзлатар бўлдик...

Сенсиз тоғ саналмас тоғларнинг тоғи.
Сенсиз ном олмасди, ул Эрам боғи.
Сенсиз ўлан, қўшиқ айтолмам чоғи,
Борсам ошенингдан қайтолмам чоғи.

Умримиз сен каби қаримас, арча,
Биз бор ерга хазон доримас, арча,
Сендан ўтинади бир елмас, арча,
Кўкар боғимизда, илтимос арча.

Созчи қўшиғи

Олти ой эримас Оқтовнинг қори,
Кўкида чарх урар қарчиғай, сори.
Ўзига мос бўлса йигитнинг ёри,
Бахтидан шод бўлса онайизори
Мақтовин келтирар сайроқ торим, ҳей.

Яхшилик бор ерда шай бўлган созсан,
Тунлари тўлишган ой бўлган созсан.
Ташналаб дилларга сой бўлган созсан,
Не эзгу куйларга бой бўлган созсан.
Сайрасанг қолмагай нола, зорим, ҳей.

Боғларда барқ уриб очилсин лола,
Булбул дард чекмасин, қилмасин нола.
Қўлдан-қўлга ўтсин қирмиз пиёла.
Сеҳримиз, меҳримиз элга ҳавола.
Сен билан бу юртда эътиборим, ҳей.

Базми қизитиб, кўнгил овловчи,
Ажиб бир оҳангда дилни боғловчи,
Саҳнада ўзини гўё чоғловчи,
Куй билан душманнинг кўнглин доғловчи
Армонли кунларда ғамгузорим, ҳей.

Сенингсиз...

Баркамол ёшинг қутлуғ, ажаб қайрилма қош қиз.
Соҳиб жамоллигинга ой билан кун талош қиз.
Ўзи, кўзи, ой юзи танда жонга туташ қиз.
Жунун савдосин солма бу бошга париваш қиз.

Тилга киргайми ёрсиз созчининг таронаси?
Сенсиз келган кўкламнинг борми экан маъноси?
Васлингга етмоқ мудом шайдойинг таманноси.
Сенмасми мани этган беқарор, бебардош, қиз?

Мен учун бу дунёнинг кўркамлиги сен билан,
Беармон-у, беафғон, бекамлиги сен билан.
Ўн саккиз минг оламнинг оламлиги сен билан
Бу жаҳонда кўрмасин шахло кўзинг ҳеч ёш, қиз,

Сулув, сенингсиз кўзга кенг жаҳон тор кўринур,
Тоғларда унган лола ўрнида қор кўринур,
Бу лаб бир қатра сувга ташнаи зор кўринур.
Тобакай бўлгай сани ошёнинг Шош қиз?

Қайдасан?

(«Жаҳонгашта» достонидан)

Боламнинг кетидан болам деб эдим,
Боғимда қулф урган лолам деб эдим,

Бузилмас кўрғоним, қалғам деб эдим,
Сен бўлсанг бўлмагай нолам деб эдим,
Суқсурим, сулувим, санам қайдасан?

Қайтиб келмас энди ёрим, дедингми?
Узилди қўлдаги торим, дедингми?
Барбод бўлди борлиқ корим, дедингми?
Тугади тоқатим, орим, дедингми?
Яхшимнинг ёмони, санам қайдасан?

Янги чиққан ойдек ботар бўлдингми?
Қутлуғ хонамизга хатар бўлдингми?
Бизларни йиғлатиб кетар бўлдингми?
Йиғлатиб муродга етар бўлдингми?
Хувиллаб қолмасин хонам, қайдасан?

Ёлғиз ўзинг тоққа талаб айласанг,
Ёш жонингни абгор, хароб айласанг,
Кўздан ёшинг тўкиб, гирдоб айласанг,
Барчанинг бағрини зардоб айласанг,
Сен билан кетайин манам, қайдасан?

Улган жонимизни ўлдириб кетма,
Сўлган юзимизни сўлдириб кетма.
Дўст-душманамиз кулдириб кетма,
Боламнинг ўрнини билдириб кетма.
Ювса қўлдан кетмас хинам, қайдасан?

Устина

(«Қорасоч» достонидан)

Ғанғир, ғанғир, ғанғир ғозим,
Қўбиз нусха, лақай созим.

Қолишмай сайра булбулдан
Дунёга кетсин овозим.

Биз ҳам ўтдик ёш бўлдик, деб,
Бир кулбага бош бўлдик, деб,
Бу дунёга хуш келдик, деб
Ҳасрат чекиб ўй устина.

Заҳар бўлиб ҳалол ошим,
Уйга сиғмай ёлғиз бошим.
Уйинг куйгур эллик боши,
От ўйнатди бош устина.

Ўтмишнинг кўп ҳангомаси
Элга ётдай ҳам номаси.
Қора хатдай йилномаси —
Малол қора тош устина.

Инқилоб дилни шод этиб,
Йўқсилларга имдод этиб,
Мушкулумиз кушод этиб,
Ёз келтирди ёз устина!

Гитлер деган сак ҳароми,
Дилда сақлаб кек ҳароми,
Бўлиб абад тек ҳароми,
Тупроқ тортди ўз устина.

Сўзни бир оз дароз этдим.
Билганларим баёз этдим,
Куй бирла дилни ёз этдим,
Энди алёр истар кўнгил.

* * *

Тоғдан ошмоқликка бедов от яхши.
Чавандозга, билсанг, хоназод яхши.
Қиз-йигит бор ерда муҳаббат яхши.
Етар-етмас кунда қаноат яхши.

Бўй қизлар дер: бўлса магар хол яхши.
Бедод умр, бахт, омад, иқбол яхши.
Қўшхотинли эрдан мингбор чол яхши.
То ўлгунча ёрга садоқат яхши.

Элга бенаф зотдан сассиқ кўл яхши.
Бежавф зина тоғдан чексиз чўл яхши.
Камол топмоқ бўлсанг, тўғри йўл яхши
Ёвга ўлим, дўстга мурувват яхши.

Тарафинг босмасин босган изингни,
Ҳар кимга тотқизма нону тузингни.
Кўрар кўздан йироқ тонг юлдузингни
Соғинганда келган хабар-хат яхши.

Илтижо қилган билан...

(У т м и ш д а н)

Тоғ бағрида бир қишлоқ олмаси бор, нори бор.
Сайр этсанг чорбоғи бор, ов қилсанг олқори бор.
Қишлоқ аҳли таралмиш бир ота-бир онадин,
Тирикчилик қиларкан нолишиб замонадин.
Илтижо қилган билан азал котибларига,

Дунёдаги авлиё, анбиёнинг барига,
Икки бўлмабди бири, бой-бойлигича қолиб,
Йўқсил-йўқсиллигича, сой-сойлигича қолиб,
Бир тун босмиш қишлоқни қароқчилар галаси,
Камар мисол ўралмиш, овулнинг айланаси.
Воқиф бўлгунча бўлмай қариялар бу сирдан,
Ор, номус кушандаси — бу падари қусурдан
Қайси уйда эр зоти бўлса боғлаб кўлини,
Қутулмоқчи бўлганнинг дарҳол тўсиб йўлини,
Майдон кўрган шерларнинг шартта олиб бошини,
Уй бекаси, қизларнинг оқизиб кўз ёшини...
Овул оқсоқолига ҳукмини баён айлаб,
Дебдики, мўйсафиднинг юрак бағрин қон айлаб:

— Қулон қочиб қутулмас
Қўлда қуролимиздан.
Омон топмас қушлар ҳам
Шарпа, шамолимиздан.

Биз келгаймиз ҳар оқшом
Меҳмонхона шай бўлсин.
Бизни кутиб олгани
«Ўн тўрт кунлик ой» бўлсин.
Ошкор этса ким сирни
Жудо бўлгай бошидан.
Ер бетида қолмагай
Қовму қариндошидан...

Оқсоқол, афтодоҳол, етмас ўйлаб ўйига,
Кўнгли вайрон, қадди дол, караб бўлмас рўйига,
Дейди: «Кенгашмоқликдан ўзга бирон чора йўқ.
Қани, барча келдими, қайси бахти қора йўқ.
«Қиз солиғи!»—қандоқ гап, чидар ким бу хорликка!
Бундай кезде ким ўзин солади беорликка?!»

Сукут сақлайди барча, аламидан тил тишлаб,
Бир қария сўз олар, тавба, деб ёқа ушлаб:
— Ҳаром бўлди бизларга бу ернинг тупроқ, тоши.
Кўчмоқ керак қишлоқдан, шу бўлсин ишнинг боши.

Бу гап кўпнинг кўнглига ботмайди совуқ ошдай,
Орияти борларга туюлади қарғишдай.
Алҳол, маънос ўтирган бир момо сўз сўраниб,
Аламзадалигидан куйиб-ёниб, ўртаниб,
Дейди: « — Меҳмонхонани шай қилмоқ биз тан бўлса,
Пойтеша, ойболтани чоқ қилмоқ сиз тан бўлса,
Қиз солиб кун кўргандан бу итларнинг қўйнига,
Сиртмоқ солгани яхши ҳар кимса ўз бўйнига.

Қани қараб туриш йўқ, хабар кетсин саллотга,
Тез жўнасин хабарчи миниб хачир ё отга.
Чўпонман деб танитсин, киши кўрса ўзини,
Ғанимларга билдириб, ўйдирмасин кўзини»...
Бу гап бирларга маъқул, бирларга малол келиб,
Гўё кўпга бу оқшом бемаҳал завол келиб,
Кайвонини ранжитиб қайтарганлар ҳам бўлди.
«Бўлмайди!»га, ҳар қалай чиқазганлар кам бўлди.

* * *

Кеч кириб қайтди қирдан қўй-қўзилар мағрашиб,
Гўё эгаларидан ҳол сўраб, бағримлашиб...
Той тинчимай талпинар, гуриллаб кишнар отлар —
Дунёнинг не кўргулик, ғурбатидан озодлар.
Ҳар кимнинг ўз ташвиши-қишлоқ қий-чув ичида!
Қий-чув ичида эмас, бу оқшом сув ичида.
Кун ботди қон талашиб, кошки кўкда ой бўлса,
Шу чоқ қишлоқ қизларин аҳволи қалай бўлса?..
Сўфи ҳам ўз дардини қўшиб айтди азонга,
Кошки олам бўялса, ушбу дам қора қонга...

Момо уч-тўрт ўғлонга қиз либосин кийдириб,
Лаблари, манглайига ясама хол қўйдириб,
Қўзларига эндирмиш сурмайи Сулаймондан,
Кўрган дейди: «Бу қизлар Боғи Эрам томондан...»
Момо айтар: «Ҳа демай келар куёвларингиз,
Куёв эмас, қизларим, хатарли ёвларингиз.
Сергак туриб олқордай, шўх бўлингиз каптардай,
Юз, қулларингиз бўлсин тутилмаган дафтардай.
Сув деса шароб тутинг, итдай ичиб маст бўлсин.
Токи эндиги умри ўлимга пайваст бўлсин».

Ҳуфтон кези қишлоққа қўнди калхат галаси,
Тўлган бўлса бу оқшом кимларнинг паймонаси?
Пешвоз чиқар қошига момо минг таъзим айлаб,
Ҳар бирининг башара, турқига разм айлаб.
Меҳмонхона лиқ тўлди, ўттиз чоқли қораси,
Бари жаллод, одамхўр, йўқ бирон бечораси.
Базми жамшид бошлашиб, қозон қайнар далада,
Гулгун шароб сузилар қирмизи пиёлада.

Бериб қўяр кўриниш
Ҳар замонда бўй қизлар.
Момо дейди: «Бекойиш
Яхши ўтирингизлар.

Қизларим ёш, қизларни
Асло чўчитмангизлар,
Қошлари қундузларни
Қийнаб, қўрқитмангизлар.

Толим-толим сочлари
Белга тушганича йўқ,
Қордан оппоқ тўшлари
Тилга тушганича йўқ...»


Авжга чиқар қийқириқ, ўртада қимор, қарта.
Қуламиш қайбирлари бўзадан торта-торта.
Чилим чеккани қайси, кўзлари қон талашиб,
Тўрти ташлар тўрт ошиқ ўртада жон талашиб,
Том айланиб буларни қўриқлар айғоқчиси.
Неча хавфу хатардан сақлаб қолган соқчиси.
Соқчига ҳам жон керак кўнди қозон бошига,
«Тавсану таҳаюл»дан¹ қўйилди ёнбошига.

Ишга тушди дош қозон, офарин ошпазига.
Ошпаз маҳлиё буткул момонинг алфозига,
Ошмисан-ошга бари ташланди оч бўридай,
Момо хурсанд: иш кетар худди кўнгилдагидай.
Айғоқчи-ю, ошпази бадмастдан баттар бўлиб,
Ақлу ҳушдан айрилмиш беҳавф, беҳатар бўлиб.
Терила тушди бари сорга ем бўлган лошдай.
Момо қизлари билан чоқ бўлиб сангтарошдай
Сўйлар: «Сулув қизларим! Мен ёзуғлик онангиз
Қилмаганда бу ишни тўлганди паймонангиз.
Зиғир ёғи аралаш дори солгандим ошга.
Тушганини кўрамиз, дея бу ғариб бошга.
Ўйлаб топа билмадим, бундан ўзга чорани,
Эл Ёсуман десада мендай юзи қорани.
Қасд қилганлар паст бўлди, паст бўлгани рост бўлди.
Қишлоғимиз, қизларим, балодан халос бўлди.
Ойболтани келтиринг майдалай ўтоғасин.
Нарги дунёда қилсин эндиги дағдағасин.
Барчасининг қўлини чоғланингиз боғлашга,
Яна нодонлик қилиб тушмангиз савалашга»...
Эл олдида момонинг бўлиб юзи қорадай,

¹ Ичимлик.

Бўлса ҳамки дили хит, жигари садпәрадай.
Бу оқшомни улайди саҳар, субҳи содиққа,
Таралади хушхабар ҳадемай халойиққа.
Етиб келар соллотлар неча дара, тоғ ошиб.
Момо хомуш сўйлайди мажнун толдай энгашиб:
— Сабр этмайин бирон кун хиёл шошдик шекилли,
Соллот болажонларим, ё адашдик шекилли?...
Саллотлар дер,— «Юз қуллуқ Сиздай ўктам момога,
Журъатингиз, онажон, сиғмас еру самога,
Ажаб эмас номингиз етиб борса Ленинга,
Лениннинг чин издоши — оқсоқол Калининга».
Қайта келгандай эди дунёга момо шу дам,
Наҳот мени билса, деб Лениндай улғу одам.

БЎСТОН КЕЗАМАН



Илтижо

Баҳор келса, бошланур боғда булбул хониши,
Саъва, Қумри нағмаси, суралай товланиши.
Қирларда лола сайли, қишлоқларда Йил Боши:
Тўхтагай табиатдан Ҳаққушлар зорланиши
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Қилмиши қинғир зотга давр қайда, даврон қайда?
Ватангадо кимсага беминнат макон қайда?
Ёлғиз отга оламда ном қайда, нишон қайда?
Баҳор, сенсиз сахро-ю, тоғу тошга жон қайда?
Кетма, Баҳор, менинг боғимдан.

Улмасликка ишора —

Уланга ошиқлигим.

Саодатга ишора —

Замонга ошиқлигим.

Теранликка ишора —

Уммонга ошиқлигим.

Гўзалликка ишора —

Бўстонга ошиқлигим.

Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Букун қай бир ерда қиш, қайда хазон резгилик,

Қайларда ёз, қайда куз, қайда жондан безгилик.

Кўкламнинг ҳар нафаси — умрга арзигулик

Боғсиз, боғбонсиз ерда не ҳам қилсин эзгулик...

Кетма, Баҳор, менинг боғимдан.

Гиёҳ билан қопланмиш кўҳна қабр бошлари,

Майсадаги шудринглар-кимларнинг кўз ёшлари?

Бу ерда ётар отам ҳам узангидошлари

Ҳар баҳор эслар уни қавми қариндошлари,

Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Ёз бўйи қорга зорман, қишда баҳорга зорман,

Чаманда гул бўйига интиқман, интизорман.

Куз келмай хазон бўлган севги, гулдан безорман,

Баҳорсиз ҳам диёрсиз эл ичра беназарман.

Кетма, Баҳор, менинг боғимдан.

Гулдаста

(Устоз Миртемирга)

Отинг бўлса «чу» деганда юлдуз кўзлаб учгудай,
Яшин каби шиддат билан еру кўкни қучгудай.
Ер тепинса, ларзасидан тоғлар тоши кўчгудай.
Қут қадами етган ердан «Балогардон» қочгудай.
Шоир минган арғумоқ ҳам бу тур отдан қолишмас!

Ўз халқининг бахтин куйлаб, шоир топди эътибор.
Тулпорининг қанотида «учқур» деган хати бор.
Олдни кўрар кўзларида туман тарлон ўти бор.
Синов пайти-пойгаларда олиб берган зоти бор.
Минган саман йўрғасини минг йўртоққа алишмас.

Соҳиби ҳам кўпни кўрган чавандоздан устивор.
Кучга тўлган навқирондай-йўлбарс янглиғ пурвиқор.
Қорли тоғлар қоясидай салобати, кўрки бор.
Бошида байт, жир, ўландан қарқараси — бўрки бор.
Шеър бобида яна юз йил наъра тортсин, соз тортсин.

Тутар бўлди «Енгажон»нинг қайнисига гулдаста,
Керак бўлса жонини ҳам қиймасига гулдаста.
Ҳазилкаши, кўрар кўзи, сийнасига гулдаста.
Манзилкаши, соғинганда хумосига гулдаста,
Шоир созин бундан минг бор сара тортсин, соз тортсин.

Сир бўйида бир сулув

Сир бўйида бир сулув,
Кўпдан сақлаб сир сулув,
Сувдан сўраб тургандай,
Тушига таъбир сулув...

Субҳ елидан маст бўлиб ҳаққуш сайрамоқдайди,
Қайлардадир най саси... кўнгил яйрамоқдайди.
Она-бола қалдирғоч ҳали қўналғасида,
Гурунг қурилганча йўк, сарҳовуз ёқасида.
Чорвадорлар ҳай-ҳуйи Чатқол этакларида,
Дорилпаноҳ ташвиши жон-жонивор барида...
Тоғлар тўши ёришди, демак, тонг отаётир.
Бўса тилаб бир гўзал ёрин уйғотаётир.
Хулкар ҳам оғди ҳисоб, нақ тушлиқда торози,
Қайдам кечган бу тундан ким рози, ким норози...

Мен шу саҳар Сир бўйин сайр этиб кезмоқдайдим,
Не учун мен бу тунни бедор ўтказмоқдайдим?
Тулпори тойларимни ёйиб қўйиб тўқайга,
Термулиб Сомон йўли, Зухал ҳам тўлин ойга
Севмоқ, севилмоқликнинг сирин ўрганмоқдайдим,
Ёр васлига етмоқнинг дардида ёнмоқдайдим...

Сир бўйлаб кезмоқдайдим, ўзим севган сувчи қиз,
Кўпдан бери ишқида мани куйдирувчи қиз
Сув бўйида турарди гулбеордай товланиб,
Чақнаб турган тимқора кўзлари порлаб, ёниб.
Сарви дейми, Санобар, алифдай туришини?
Ўксимасми ўхшатсам гунчага кулишини?
Қарғашойи кўйлаги монанд тушган бастига,
Тополмасдим ҳеч қиёс қошининг пайвастига

Киз сувга ёвуқ келиб, салом солгандай бўлиб,
Тилсиз ва тинсиз сувдан сал уялгандай бўлиб
Суралайдай силаниб, айта бошлар тушини,
Бир тушимас, ройиши ҳам борлиқ хоҳишини:
— Гул шодаси, шодаси, булбул гулнинг адоси,
Бошга тушди бу оқшом муҳаббат ибтидоси.
Туш кўрибман, тушимда баланд чўққидамишман,
Чўққидан чўнг қояга чиқмоқ машқидамишман.
Қирлар оша қоқиниб, сой келса сарсон бўлиб,
Қўйлар кезган ўр келса, мушкулим осон бўлиб
Кетмоқдайдим қаршимдан поёни йўқ жар чиқди,
Чор атрофи чоҳ мисол, таппа тайёр дор чиқди,
Бир маҳал тоғ лочини чарх урармиш бошимда,
Жон сўрасам бергудай парвонамиш қошимда,
Қани чиқ қанотимга айт: қайга қўнай дермиш.
Неки фармон айласанг, мен шунга унай дермиш,
Фалокатдан қутқарди, ўтинчим бажо айлаб,
Мен қолдим яхшилигин бу кўксимга жо айлаб.
Лочин ўша йилқичи суйган йигитим бўлиб,
Ишқ ўтида ўртаниб, қуйган йигитим бўлиб,
Маъшукасин кўрмоққа кўпдан мунтазир бўлса,
Бу бошга савдо тушган чоғларда ҳозир бўлса,
Қайс бўлса Лайлосиман, соз бўлса садосиман,
Отаётган тонг ҳаққи йўлида адосиман.
Муборак Сир тўғри йўй саҳар кўрган тушимни,
Ёрга етказ, кўйида ўртаниб ёнишимни...

Киз гўё сархуш бўлиб унутганди борлиқни,
Сездим, у ҳам кечирган бошдан интизорликни.
«Ҳа» сўзини ололмай доғда эдим ман ҳануз,
Узун тунлар тўлғаниб, ютмоқдайдим қон ҳануз.
Шодмон эдим ман букун ният холислигидан,
Ҳижрон деган балонинг мандин олислигидан.

Сирга айтиб сирини, ўз ишига ёр кетди,
Дарё бўйин тарк этиб, мисоли баҳор кетди.
Пахтазорга сулув сув тараш билан банд эди,
Ҳар шона, ҳар кўсакка жон-дили пайванд эди.
Мен ҳамон хилватдаман лек кўзларим сувчида —
Шарми-ҳаёси билан жонимни олғувчида...
Ошиқлик-да, не қилай, мен май ичмай маст эдим,
Наздимча, қиз кўнглига кўз-қошдай пайваст эдим.

Гулкўчат

Боғимда бор гулкўчат,
Гулкўчат, сумбул кўчат,
Мўътабар, қойил кўчат,
Мушки анвойи кўчат.

Ҳар ғунча, ҳар баргига,
Барқут ранг баргагига
Чиройига, кўркига
Қизлар шайдойи кўчат.

Ўсган жойи Сир бўйи.
Тупроғи зар, нур бўйи,
Сўнмагай умр бўйи,
Ноёб киройи кўчат.

Ишқида баҳор, ёзда,
Фасли қишда, аёзда.
Сайраб юз хил овозда,
Булбул адойи кўчат.

Ёнимда ёрим билан

Бўзда бўстон кезаман ўз ихтиёрим билан,
Гулзор этмоқ ниятим, деган шиорим билан,
Тошда гул ундиришдек азму қарорим билан,
Эзгу ният, ўйларим-бу дилда борим билан,
Бахт топдим, камол топдим, ўз эътиборим билан.

Чўл чекинар ва лекин чекинмоқлик менда йўқ,
На шўри, на тафтидан ўкинмоқлик менда йўқ,
Сахро қайсарлигига чўқинмоқлик менда йўқ,
Текин гулзор ишқида суқинмоқлик менда йўқ,
Шодон кун ўтказарман шўх, жаранг торим билан.

Ҳар қадамда поёндоз йўлларимга гулғунча,
Сабр этмайин бўлурми гулғунча очилгунча,
Сўнгсиз қўриқ кўксига очилиб, сочилгунча
Ўтказган ҳар ниҳолим боғ ичра етилгунча,
Беллашгайман беармон ёнимда ёрим билан.

Янгиернинг тонгидай аҳдим бор, паймоним бор.
Унмоқлик-ўсмоқликка ўйламанг, гумоним бор,
Олтин бўлгай тутганим, на дилда армоним бор.
Юз асрга бергусиз даврим бор, давроним бор.
Фахрлансам арзийди гулдай диёрим билан.

Ёруғ юлдуздан салом

Сайёрада туриб битган соғинч хатим,
Хат орқали бор эътиқод, муҳаббатим
Етиб борсин Мирза отли инимизга,
Жондай жигар, дил равшани-қунимизга.

Дилдан дуо касбдошларинг, қўйчиларга,
Овчиларга, йўлчиларга, тўйчиларга.
Алҳол, биздан ҳолу аҳвол сўрар бўлсанг,
Ё соғиниб йўлимизга қарар бўлсанг,
Минг бор қуллуқ дўст, оғайни соғинчига,
Тилакдошмиз тўй-томоша, қувончига.
Бизлар бунда соғ-омонмиз, хотиржаммиз,
Тўрт кўз тугал, бағир бутун, жамулжаммиз.

Ўзгармоқда кундан-кунга ҳаётимиз,
Авж олмоқда савти наво, баётимиз.
Қишлоғимиз шаҳар бўлар ҳадемасдан,
Сўнг яшармиз бу йилгидай қишламасдан.
Шаҳримизнинг номи бўлар «Оламобод»
Кўчалари «Тоҳир», «Зухро», «Бодамобод»,
Гулга тўлар ҳар муюлиш, хиёбони,
Сада бўлар ошиқларнинг соябони.

Қайтсам магар ердан қандай келганликка,
«Молния»да нурдан ҳам тез елганликка.
«Космодром»да хайрлашиб сизлар билан,
Валентина мисол қанча қизлар билан;
Ер йўлдоши-«Улуғбек»да бир кун тунаб,
Сафар жабдуқларин бунда роса синаб;
Ой момога эсон-омон етиб келдик,
Тўфонлардан хавф-хатарсиз ўтиб келдик.
Бирон соат сайр айлаб ой юзини,
Телескопда кўриб Миррих юлдузини;
Она ерга таъзим қилиб қайта-қайта,
Тошу-тупроқ, тоғларига мақтов айта;

Ҳеч нарсага ўхшатолмай болларини,
Мирзатерак, сада, мажнунтолларини.

Хумор этиб, фарғонача палов, чойлар,
Уғиз оши, калла гўшти, кулчатойлар,
Алдашмоннинг чалоблари, гулоблари,
Каклик шўрва, танқис тандир кабоблари,
Парвоз этдик тонг юлдузи қайдасан, деб,
Одамзодга азалдан кўп шайдосан, деб.
Фазогирга ҳеч гап эмас йўл деганинг,
Оташ ҳаво, музликлару, дўл деганинг.
Бир кун қўниб «Ер юлдузи» роботига,
Қойил қолиб одамзоднинг қудратига;

Чақмоқ мисол кўтарилдик Чўлпон томон,
Зулмат ичра дунё кўрки — қуёшсимон.
Йиллаб эмас, тез орада-ой, ҳафтада,
Сарсон бўлмай, бўлмай афгор ё афтода;
Сарманзилга етиб бордик тонг отганда,
Тўрғай сайраб чўпонларни уйғотганда.
Зухро юзи бизлар билан обод бўлди.
Бешикаста қўнганликдан дил шод бўлди,
Дўстлар биздан ҳолу аҳвол сўрашгани
Қандай келиб, борганимиз билишгани,
Асалари мисол бизни ўрадилар,
Ер юзини қайта-қайта сўрадилар.

— Қитъаларнинг бари беҳавф, беҳатарми?
Ер юзида тинч-омонлик барқарорми?
Ҳамон борми тараф-тараф — гузаронлик?
Бошбошдоқлик, корчалонлик, зўравонлик?
Нечук ҳамон тинчимабди тўплар саси?
Бомбаларнинг қиронга мос гулдироси?
Не гаплар бор, Овропада, Чин Мочинда?
Кимлар тинчлик ваъда айлар тил учинда?

Энди сўзни недан бошлаб айтсам экан?
Нени айтиб, нени ташлаб айтсам экан?

Жаҳон билар: масканимиз — тонг юлдузи,
Ердан тамом фарқ қилади тун, кундузи,
Энди қайтай сенга айтар ўтинч гапга,
Ўтинчларим ёзса сиғмас бир китобга...

Ер қайда-ю, кўкда Ёруғ юлдуз қайда?!
Бориб-келиб туриш энди йилда, ойда!..
Трамвайда эрта чиқиб кеч қайтгали,
Шошиб-пишиб тўйга айтиб оч қайтгали,
Қўшни шаҳар, қўшни қишлоқ, қўшни элмас,
Жоним укам, энди сендан шу илтимос.

Тўйимизниг муддатидан хабардорсан,
Тўй рўйхати, хизматида сен ҳам борсан,
Тўйимизнинг тарқаси-ю, бошламаси
Ўйин-кулги, зиёфати, хангомаси;
Бошланмайди сизлар етиб келмагунча.
Сизлар келиб қур, даврамиз тўлмагунча.
Зинҳор ёлғиз келма, келгин ёринг билан.
Улфатларинг — номи дилда боринг билан.
Келсин майли, қариялар қанча бўлса,
Бир гап бўлар кўнгли учун танча бўлса...
Кошки келса Олия қиз, Анор қизлар,
Ўзалликда юзи кундай ёнар қизлар.

Қанча келса камлик қилар дили поклар,
Лек келмасин бадном, бахил ё нопоклар.
Дорбоз келса бош устига дор келмасин,
Шухратпараст, дилда кеки бор келмасин.
«Наво»чалик ёқтирувчи тўп сасини,
Ўлмай туриб ўлганларнинг барчасини
Ола келма самони ҳам наҳс босмасин,
Тонг юлдузи сену биздан ўксимасин...

Таништирай энди сенга холи борни,
Бахт-иқболи ҳам тилида боли борни:
Космосгашта Кумара қиз — Ҳинд гўзали,
Олима қиз ўзи таъзим, тавозели.
У менингсиз туролмайди, мен унингсиз,
Кунларимиз хушбахт ўтар, ўтар мунгсиз...
У ҳам ёзда ўз элига «Тўй хати»ни,
Баён этиб, саодатли ҳаётини.
Айтишича, келар кўплаб Ҳинд қизлари,
Тўғрироғи, каминанинг болдизлари.
Келар эмиш яна қанча чолғучилар,
Яна қанча Венерада қолғучилар.
Яна келар қанча элдан кўз танишлар,
Укам сенга айтсам ана шундай ишлар...

* * *

Оғанг беҳад чўзди, укам «Тўй хати»ни,
Кулмагай деб минбаъд сендай қанотини,
Ўзгаларга кўрсатмагил, кулишмасин,
Бизни эзма бўп қопди деб билишмасин,
Тўйимизга келар барча кекса-ёшни,
Яхши-ёмон кунда бирдай қариндошни
Сўраб қўйиб, тўйга айтгил қайта-қайта,
Бор иқтидор, ихлосимиз айта-айта.

Ё р у ғ ю л д у з.

Тоғ қызлари

(Алёр)

Ишим бордир ўша оҳуда...

Ҳ. Олимжон.

Поччамизни бу кеча базмда синаймиз, деб
Алёр-алёр айтишиб, назмда синаймиз, деб.
Қайин юртим қизлари мени кўрмоқ истабди.
Бу ишга бош бўлинг, деб янгажонни қистабди.
Ҳар қизлар-ки, бўй-баста жон олиб жон бергудай,
Ибо қилсам, авзойи: одоб сақлаб тургудай.
Сездим қизлар жазмини; ажиб базм қилгудай
Урни келса, шўхи ҳам менга таъзим қилгудай.
Садқа бўлсин жон майли бири эмас, барига.
Фақат айтар сўзим бор чанқовузи борига...

Мен ҳам қўлда созимни,
Чала олсам кошкийди.
Салобати босмасдан
Қола олсам кошкийди.
Ўйинчисин ёнимга
Қўндирилсам кошкийди,
Шаънига бир сўз айтиб
Қўндирилсам кошкийди,
Оҳу кўзининг олдида
Олдирмасам кошкийди,
Кўнглин инжитиб, доққа
Қолдирмасам кошкийди.

Қизитмоқ-чун, даврани Сайди билан Санобар,
Бири тушиб ўйинга, бири чалди «Тановар»

Хаё билан Ойқиз ҳам тол чивикдай буралар,
Малоҳат юз мақомда бўзтўрғайдай йўрғалар.
(Даричадан қай биров «Бир кўрсак» деб мўралар,
Чунки, илож йўқ эди беш кетмасдан, жўралар.)
Товус янглиғ товланиб чиқди Қумри/ўртага,
Бирпас турди «Жонон»ни билмайман деб жўртага.
Ақлим шошди ёпирай, бу қизларнинг шўхлигин!
Дўстим, сен ҳам кўрсайдинг бир-биридан қўхлигин!

Рақс тинди, афтидан, айтишмоққа гал келди,
Ял-ял ёнган қирмизи шокосада бол келди.
Сарви қомат Янгажон, яъни қора қош келди.
Бир қўлида гулдаста, бир қўлида ош келди.
Билагининг оқлигин!.. Ҳали қиздан ёш келди.
Садағаси кетсанг оз: яхши ишга бош келди.

Сўзга жуйрук Жамила бошлаб берди «Алёр»ни
Бўш келманг сиз ҳам, дея бизнинг юзи холдорни:
— Маърай-маърай қир ошган қўша-қўша қўймикин?
Бўктаргининг макони увамикин, ўймикин?
Эгиликнинг кечи йўқ, деганлари тўймикин?
Почча, сизни ром этган ўша моҳирўймикин?
Жом тагида қолдирманг алёр-алёр, ўдаға¹.

— Чилвир, чилвир сочингиз тарам-тарам, жон қизлар,
Оғушингиз мисоли боғи Эрам, жон қизлар.
Ширин сухан-сўзингиз жонга ором, жон қизлар,
Жомингизни олмасдан йўқдир чорам, жон қизлар.
Қўлларимни толдирманг, алёр-алёр, садаға.
— Уруғ — аймоқ ардоқлар қатордаги норини.
Эр йигитлар улуғлар жондан суйган ёрини.
Ишга солинг бармоқда дўмбирангиз торини.

¹ Утиришнинг каттаси.

Дилингизда неки бор тўкиб солинг барини.
Тўпланганмиз бу кеча, алёр-алёр, айтгани.

— Саратонда ярқирар қорли тоғлар қояси,
Жон роҳати мезонда қўшчинорнинг сояси.
Кўзларимга тўтиё кўзларингиз зиёси.
«Биров»ларга тегишли сўзларингиз қиёси.
Ой ҳам ботиб боради рухсат беринг қайтгани.

— Сўфитўрғай чарх уриб кўнса кўздан йироққа,
Чевар қизлар аксини туширолмас қуроққа.
Сизни чечан дейдилар, сайқал беринг туроққа.
Қўш ирғайдай эгилиб «бирова» ёққан чироққа.
Тарқалмасин базмимиз, алёр-алёр, тонгача.

— Сайқал берсам, сайқал берай,
Юзи қордай оқ қизлар.
Ҳайдар кокил, сунбул сочли,
Урта бўйли чоқ қизлар.
Суйганига олма отган,
Ё боши бўш тоқ қизлар.
Ишқ куйида куйиб ёнган
Ёки кўнгли тўқ қизлар.
Шунқорини бир кўрмоқдан
Бошқа ғами йўқ қизлар.
Сўз-ваъдаси ёлғонларга
Ҳар киприги ўқ қизлар.
Ошиқларнинг таъбирича,
Бу борада ҳақ қизлар.

Сийналари сувдан тиниқ,
«Алёр»га ўч, шўх қизлар.
Миннатингиз бош устига
Алёр-алёр, пок қизлар.

Аҳдли бўлсин йўлдошингиз,
Кўрмангиз фироқ қизлар.
— Урта бўйли — чоқ... қиз деманг,
Уяламиз-ей.
Кўлдан тушар шарбат тўла
Пиёламиз-ей.
Гар тўкилса қайта бошдан
Қўёламиз-ей —
Шарбат, болни сиздан қандай
Қиёламиз-ей.

— Қуллуқ, қизлар, қавмингизни
Ардоқлагум бир умр.
Бўлса пари-пайкарингиз
Сир сақлагум бир умр.
Берган қутлуғ тузингизни
Ҳам оқлагум бир умр
Номингизни қайда бўлмай,
Ёруғ юлдуз, ойда бўлмай
Субҳи содиқ елларидан
Сўроқлагум бир умр.

Тоғ қизлари малоҳатин
Нишонаси — бу.
Каминани бир кўрмоқлик
Баҳонаси — бу
Расми — русмин олийжаноб
Шоҳонаси — бу.
Садоқати бир-ла аҳду
Паймонаси — бу.

Қопқон

(Ярим ҳазил, ярим зил.)

Ҳулкар ботиб боради, Ҳулкар ботиб,
Ҳадемай ой кўринар нур таратиб.
Эл уйқуда йўл олди қайларгадир
Овчи йигит отини йўрғалатиб.

Булоқ бўйи манзили, булоқ бўйи,
Не билан қайтар? Шунда борлиқ уйи.
Овчилик ота касби, бобо касби,
Кийиклар бу овчининг кўзи-қўйи.

Қўлдаги «Қўшоғизи», «Қўшоғизи»,
Гўшадаги қушларнинг ялмоғизи.
Қорсоқлар қон қақшайди қопқонидан,
Тамоми хавф-хатарли босган изи.

Тонг ҳам отиб келади, тонг ҳам отиб,
Ёруғликни тоғ-тошга оралатиб.
Оппоқ тонгни қаршилаб ўлан айтар,
Қирда чўпон қўйларни қўзилатиб.


Бу тоғнинг олқорлари, оҳулари,
Товуслари, товушқон, оққувлари,
Сув ичгали булоққа тушиб келар,
Кўкда эса турнанинг қий-чувлари.

Булоққа тушиб келар, тушиб келар,
Анов қорли қоядан ошиб келар.
Қўлда челақ сулув қиз сув олгани,
Ким билади бунчалик шошиб келар.

Ўлжа кутиб ётибди, ўлжа кутиб
Овчи йигит борлиққа кўз югуртиб.
Бирон ўлжа-илинжи турган жойда,
Ўзга тугул ўзини ҳам унутиб.

Қопқонга не тушади, не тушади,
Қай бегуноҳ йўлидан адашади?!
Олқарлар тушса тушсин, қиз тушмасин,
Шуни ўйлаб юраклар уюшади.

Термалар



■
Булбул сайрайди қайда,
Бирам овози яхши.
Тўқувчи қизнинг ласга,
Берган пардози яхши.

■
«Оқ олтин»ни куз пайти,
Машинада терганмиз.
Мато бўлиб қайтсин деб,
Фабрикага берганмиз.

■
Мен сўзлайман аввал бошдан,
Усма кетар ювса қошдан,
Ёмон кунда ёт яхшидир.
Қадринг билмас қариндошдан.

■

Мен сени суйдим, қоракўз,
Суйдим, суйдиrolмадим.
Ишқингда куйдим қоракўз,
Куйдим, куйдиrolмадим.

■

Чотқол тоғи тоғ экан,
Чор атрофи боғ экан.
Мирзачўл ерларини
Чўл десам гулбоғ экан

■

Утган ерим Сир бўйи
Оби Ҳаёт, нур бўйи,
Чўлқувар йигит билан
Севгимиз умр бўйи.

■

Йўқсил эллар ҳур бўлди,
Йўлларида нур бўлди.
Юртимиз маъмур бўлди,
Лениндир қуёшимиз!

■

Кўкда учган турналар
Янгиерга қўнгидай.
Дилимнинг равшанлиги
Октябрнинг тонгидай.

■

Белга тушган сочимнинг
Толим-толим ўрими.
Ҳаё, адаб, қизларнинг —
Кўркамлиги-кўрими.

■

Гул уздим бошқа-бошқа.
Берай деб қалам қошга.
Жоним бўйи-бастингни
Алмашмасман қуёшга.

■

Ғубор бўлмас, гард бўлмас
Дарёларнинг тошида,
Бири қаҳрамон, бири
Улкан ишнинг бошида.

■

Гулистоннинг йўли соз,
Йўлида ўйнайди ғоз,
Машинанинг таърифин
Қанча айтсам, шунча оз.

■

Қир келса қиёлатиб,
Ўр келса ўрмалатиб,
Машинани бошқарар
Не қизлар гумбирлатиб.

■

Турна қатор ғўзалар
Сочларининг толидай.
Товланиб барқ уриши
Толи, иқболидай.

■

Буюк тоғнинг чўққиси,
Булутдан ошиб турар.
Бўй қизларнинг кўксига
Орден ярашиб турар.

■
Дўмбирамнинг торини
Устозим улаб берган.
Беармон куйлагин деб
Қулогин бураб берган.

■
Саодатга ишора
Унинг берган таълими.
Партия халқимизнинг
Ишбоши, муаллими.

БОЛАМ-ОВ

Айланайин болам-ов,
Тоққа битган лолам-ов.
Бўта кўзим, сочлари
Кундуздан ҳам қорам-ов.
Бир пас бўйинг кўрмасам
Менда бўлмас ором-ов...

Ўз
С96

Сулаймон Т.

Сирдарё қўшиқлари. (Шеърлар). Т., «Ёш гвардия», 1974.

40 б.

Сулейман Т. Сырдарьинские напевы. Стихи.

Ўз2

На узбекском языке

ТУРА СУЛЕЙМАН

СЫРДАРЬИНСКИЕ НАПЕВЫ

С т и х и

Издательство «Ёш гвардия» — Ташкент — 1974

Редактор Сафар Барноев
Рассом Ҳ. Раҳматуллаев
Расмлар редактори К. Назаров
Техн. редактор Л. Шишкина
Корректор М. Тоиров

Босмахонага берилди 20/VI-74 й. Босишга рухсат этилди 16/VIII-74 й.
Формати 70×108¹/₃₂. Қоғоз № 1. Босма листи 1,25. Шартли босма
лист 1,75. Нашр листи 1,39. Тиражи 10 000. Р—11326.
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети. «Ёш гвардия» нашриёти,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 124—69. Баҳоси 17 т.
Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси,
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. Заказ № 902.

С $\frac{7-4-3-212}{\text{М. 356}-(06)-74}$ 52—74,